O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**«Экинларни сақлаш билан боғлиқ вужудга келган аҳвол хўжаликлар раҳбарларининг экинларни сақлаш муаммоларига етарли эътибор бермаётганликлари, баъзан эса ушбу муаммолардан ўзларини четга олаётганликлари, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилганлиги оқибатидир».**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январ Қароридан**

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 18 ЯНВАР, СЕШАНБА | № 3 (155) | Сотувда эркин нархда

**БУГУНГИ СОНДА:**

«КЎЧА ХАНДОН, УЙ ЗИНДОН БЎЛМАНГ!» 3

«ОДАМ ТЕАТР»ГА БОРМАГАН БОЛА Ёки Ҳожиакбар НУРМАТОВнинг «ДОМ»даги муҳаббати 4

*Берилган сўзга содиқ бўл!*

## ШАРТНОМА–ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР КАФОЛАТИ

Шартномавийлик эркин бозор муносабатларини юритишда муҳим омил бўлиб, хўжалик юритувчи субъект, деб аталувчи икки ёки бир нечта жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи ҳужжатдир.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларга барча имкониятлар яратилган. Бу соҳада қонуний база ишлаб турибди. Аммо бозор иқтисоди шароитига, унинг талабларига кўника олмаётган айрим хўжалик юритувчи субъектлар шартнома интизомига ўргана олишмаяпти.

Юртбошимиз И.А.Каримов 1999 йил 27 июлда бўлиб ўтган Республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузасида бу ҳақда куйиниб гапирган эдилар. Айниқса, агросаноат мажмуидаги корхоналарда шартнома интизоми қўпол равишда бузилаётганини ташвиш билан гапирдилар. Хўжаликлар, тайёрловчилар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ўртасида шартнома тузишда расмиятчиликка йўл қўйилаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар.

Йўлбошчимиз ана шу нуфузли йиғилишда хўжалик юритишдаги шартномавийлик тизимининг қонуний, ҳуқуқий асосларини белгилаб берди ҳамда бу ишни такомиллаштириш вазифасини қўйди. «Агросаноат комплекси Адлия вазирлиги билан биргаликда, - деди йўлбошчимиз, - жуда қисқа муддатда шартнома муносабатларини яхшилаш, раҳбарларга нисбатан шартнома тузиш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш юзасидан қатъий тартиб ўрнатиш борасида талабчанликни оширишга қаратилган амалий тадбирларни ишлаб чиқиши ва ҳаётга жорий этиши лозим».

Тўғриси, авваллари адлия идоралари шартномавийлик муносабатларини қарор топтиришда бир ёқлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келардилар. Яъни шартнома муносабатларини текшириш, бу борадаги меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш, аниқланган қонун бузилишлар юзасидан мансабдор шахсларга тақдимномалар юбориш билан кифояланарди.

Биз бошқарма ходимларининг йиғилишини ўтказиб, йўлбошчимиз маърузасида билдирилган танқидий мулоҳазалардан хулоса чиқариб, шартномага киришувчи томонларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан дастур ишлаб чиқдик.

Аввало, хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизмат кўрсатувчи махсус ҳуқуқий гуруҳ туздик. Унга истеъфодаги ҳуқуқшунослар, туман, шаҳар судлари, нотариал идора ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшуносларимиздан жами 63 киши жалб қилинди. Улар кўмагида шартнома тузиш, унинг ижросига эришиш юзасидан йўриқнома, тавсиялар ишлаб чиқиб, ўз эгаларига етказдик.

Ҳуқуқий гуруҳ ташаббуси билан 13 та ўқув семинари ўтказилди. Анжуманларга «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, контрактация шартномалари, рекламация шакллари, даъво аризалари, низомларни ҳал этиш ва бошқа қонун ҳужжатлари тайёрлаш ҳақида услубий қўлланмалар берилди. Натижада қисқа давр ичида умумий қиймати 7 миллиард 751 миллион 612 минг 566 сўмлик 36255 та ички хўжалик шартномалари текширувдан ўтказилди. Умумий қиймати 3 миллиард 140 миллион 10 минг 744 сўмлик 11318 та ички хўжалик шартномалари бевосита адлия ходимлари иштирокида тузилди.

Текширишлар жараёнида шартлари ўз муддатида бажарилмаган шартномалар кўплиги аниқланди. Бундан зарар кўрган манфаатдор томонларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланганига қарамасдан, уларнинг фаолиятсизлиги кишини ажаблантиради. Ўтказилган тафтишларда умумий қиймати 6 миллиард 429 миллион 015 минг 559 сўмлик 921 та ана шундай хўжакўрсинга тузилган шартномалар аниқланди. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар бўйича жойларга 862 та талабномалар киритилди.

Шу ўринда ўринли савол туғилади: муддати бажарилмаган шартномалардан кимга фойда-ю, кимга зарар? Нега манфаатдор томон келтирилган зарарни қоплаш учун ўз вақтида даъво аризаси қўзғатмаган?

Адлия ходимларининг ўз ваколатлари доирасида фаол аралашуви билан томонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. 234 та шартнома бўйича тақдимнома, талабнома ва даъво аризаси киритилиб, 1 миллиард 160 миллион 807 минг 437 сўмлик пул маблағлари айбдорлардан ундирилди.

Шартномавийлик замирида иқтисодий ислоҳотларнинг ривожи бозор иқтисодиётининг шаклланиши, талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, пировардида қишлоқларимизнинг фаровонлиги ётибди. Шу боисдан ҳам юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг ўша йиғилишидаги маърузасида куйиниб айтганларидек, «шунга эришиш керакки, шартнома мажбуриятларини бузиш тўғрисидаги ҳар бир аниқланган факт атрофлича муҳокама қилиниши, бунга йўл қўйган раҳбар ёки шахслар амалдаги қонунга биноан жавобгарликка тортилиши лозим».

Дарҳақиқат, шартномавийлик мажбуриятлари аҳволини ўрганиш жараёнида айрим мансабдор шахслар масъулиятсизлик қилиётганликлари аён бўлди. Шартномавий мажбуриятларни бузиб, иқтисодий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганликлари учун кейинги йилларда 17 нафар раҳбар интизомий, 5 нафар раҳбар маъмурий жазо олди. Уч нафари лавозимидан озод этилди.

Бошқармамизнинг шартномавийлик интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, мансабдор шахслар шартнома мажбуриятларини бажаришда масъулиятни ва жавобгарликни сезмоқдалар. Масалан, Избоскан туманидаги Пойтуғ пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан туман жамоа хўжаликлари ўртасида пахта хом-ашёсини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар текширилганда, қатор ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Умумий қиймати 617, 1 миллион сўмлик 20 та шартнома ҳуқуқшунос хулосасисиз тузилган. Шундай экан, бу шартномаларни қонуний деб бўладими?! Бунинг устига маҳсулот нархи, миқдори ва бошқа рақам, кўрсаткичлар қайта ўчирилиб, тузатилиб ёзилган. Оқибатда юқоридаги шартномалардан 17 таси ноқонуний деб топилди. Ана шундай камчиликлар туман улгуржи мева-сабзавот ҳиссадорлик жамияти билан бошқа хўжаликлар ўртасида тузилган шартномаларда ҳам аниқланди.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича инспекция фаолияти ўрганилганда шартномавийлик талаблари қўпол равишда бузилаётганига гувоҳ бўлдик. «Расулий» деҳқон-фермер хўжалигига қарашли сутни қайта ишлаш корхонаси билан жамоа хўжаликлари ўртасида тузилган 14 та шартнома йил бошида рўйхатдан ўтказилганига қарамай, 113 кун давомида нозир Турғунбой Муҳитдиновнинг стол тортмасида қолиб кетган. Нозир шартномаларни дарҳол томонларга етказиш, унинг ижроси ва қонунийлигини кафолатлашга жавобгар шахс бўла туриб, субутсизлик, қонунга ҳурматсизлик йўлини тутган. Бошқармамиз айбдорни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида ҳокимликка тақдимнома билан мурожаат қилди. Туман ҳокими Сайдулло Бегалиев ушбу тақдимномага ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлди: хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, шартнома маданиятини такомиллаштириш ва ижро интизоми, шартномаларнинг қонунийлигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинди. Йиғилишда маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати инспекцияси нозири Т.Муҳитдинов ишдаги хато ва камчиликлари учун лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, Хўжаобод, Асака, Марҳамат туманларидаги ана шундай инспекцияларда шартнома муносабатларини ўрганиш бўйича текширишлар ўтказилиб, бу борада тўпланган ҳужжатларга қонуний баҳо бериш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Текширишларимиз оқибатсиз қолмади. Бу борадаги 17 та қонунбузарлик ҳоллари даъво аризалари қўзғатиш асосида хўжалик судларида кўрилди. Халқимиз ўз лафзини иш билан оқламаганларни субутсиз, дейди. Ваъдабозлик қимматга тушди: айбдорлардан 12 миллион 290 минг сўм жарима ундириб олинди.

Қадимий «Авесто» асарида: «Берилган сўзга содиқ бўл, шартнома сўзлари иккала томон учун ҳам бирдир» дейилган экан. Бу олийжаноб сўзларни ҳар қандай хўжалик раҳбари ён дафтарига ёзиб қўйса ва қатъий амал қилса кам бўлмайди. Зотан ваъдага вафо, айтилган сўзнинг уддасидан чиқиш, лафзи ҳалоллик ўзбек халқининг энг олий миллий қадриятидир.

**Авазбек ЮСУПОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

*Она табиат*

## ҚАЙТА ҲУСН ОЧАР АЗИМ ЗАРАФШОН!

*Неча-неча минг йилларни ўз қатида сақлаган, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ерларига об-ҳаёт берувчи Зарафшон дарёсининг ўтмиши ва бугунини муқояса қилгудек бўлсангиз, турғунлик йилларига тавқу лаънат ўқийсиз.*

*Манбаларда ёзилиши-ю, боболарнинг ҳикоя қилишларича, бир пайтлар Зарафшон дарёси бўйларида тиғиз тўқайзор, чангалзор ва бутазорлар бўлган. Дарё ёқаларида тол, жийда дарахтлари ўсган. Бугунги ёшлар номларини камдан-кам эшитган жинғил, юлғин, туронғил, чаканда сингари набобат ўсимликлари табиатга ҳусн-тароват бағишлаган. Тўқайзорларга одамлар ёлғиз, қуролсиз киришга ҳайиқишган. Йўлбарс, қоплон, бўри, шоқол, ёввойи мушук, қобон, турли хил илонлар ин қуришиб, «таралла-бедод» яшаган. Тустовуқ, қирғовул, лочин каби парранда-ю, турфа хил даррандалар ҳам бу тўқайзорларни ўзларига макон қилишган.*

*Турғунлик йиллари - пахта яккаҳокимлиги даврида уларга ўт қўйилди, набобат олами кесиб юборилди. Пахта майдонлари дарё бўйларигача сурилиб борди. Заҳарли кимёвий моддалар ишлатилиб, ҳойвонот олами қириб юборилди. Яйловлар, даштлар «ўзлаштирилиб», бетон ариқларда сув чиқарилди. Зарафшонга сепоя ташланиб, дарё суви яйловлар ўрнида экилган пахта майдонларига очилди. Охир-оқибат 40-йилларда шоирлар «жўшиб, мавж уриб, тўлиб-тошиб оқар» дея мадҳ этган, тавсифлаган Зарафшоннинг «оғзи қовжираб» қолди. Қирғоқлари емирилиб, хунук манзара ҳосил бўлди.*

*- Дарё ёқаларида ўрмон хўжалиги ташкил этилиши кўпчиликнинг орзуси эди, - дейди Самарқанд вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалик масалалари маслаҳат кенгаши раиси Б.Қиличев. - Мустақилликка эришилгандан кейингина вилоятимизнинг Оқдарё ва Пахтачи туманларида Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон қўмитасига қарашли хўжаликлар ташкил этилди.*

*Биз «Ўрмон тўғрисида»ги қонун қандай бажарилаётганлиги, зарафшон дарёси ёқаларида ишлар нечоғлиқ эканлигини билиш мақсадида Пахтачи ўрмон хўжалигида бўлдик.*

*- 1737 гектар еримиз бор, - дейди ўрмон хўжалиги директори Баҳодир ака Худойбердиев. - 427 гектари ҳайдаладиган майдон. Асосий ерларимиз Зарафшон дарёси ёқаларида. Қорадарё бўйларида озроқ. Сийрак бўлса-да, эскидан 630 гектар табиий ўрмонлар қолган. Ёввойи тол, жийда, юлғун...*

*Ўрмон хўжалиги ташкил қилинган дастлабки 1998 йилда хўжалик аъзолари маҳаллий кўк терак, қора тол каби манзарали дарахтлардан 52 гектар майдонга ўтқазишган экан. Ўтган йили эса 100 гектар ўрнига 215 гектар майдонда ўрмон ташкил этилибди.*

*- Қиш ишлашга анча қулай келди, - сўзини давом эттирди директор. - 6 гектар майдонга кўчатзор ташкил қилдик. Мебелбоп қурилиш материали - ясиннинг ўзидан қирқ минг туп кўчат тайёрладик. Чинор қаламчаларини кеч кузда экиб бўлгандик. Туякомпатни, дуб сингари мустаҳкам, узоқ яшовчан дарахтларни кўпайтириш ҳаракатидамиз. 30 сотих майдонда уруғдан ёнғоқ экилган. Уч ёшга тўлгач, ниҳолларни майдонларга кўчирамиз. Шу йил кўклам уч миллион тупдан зиёд ниҳол экишни кўзда тутганмиз. Улар орасида шафтоли, қорали, ўрик каби мевали кўчатлар ҳам бўлади. Келажакни мўлжаллаб мавжуд тўртта бўлимнинг ҳар бирида 3 гектардан 12 гектар кўчатхона барпо қилаяпмиз.*

*Ўрмон хўжалиги аъзоларига, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши эмаслиги ишлашга анча ҳалал бериб, қийинчиликлар туғдирмоқда. Ерлар зах ва шўр. Вилоят сув қурилиши трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари 30 километр узунликда завур қазиб берган. 2002 йилгача янги қазилаётган завурлар 110 километрга етказиларкан. Бу ўз навбатида ерларнинг ҳосилдорлик даражасини оширади, дарахтларни яхши парвариш қилишга имкон яратади. Ҳозирги кунларда ўрмончилар қиш фаслини бекор ўтказишмаяпти. Улар кўчатхоналар барпо этиш, сув йўлларини тозалаш, ариқларни қазиш ишларини маромида уддаламоқдалар. Биринчи ва тўртинчи бўлим бошлиқлари - Азим Шерматов, Усмон Имомов, ўрмонларни барпо қилиш ва қўриқлаш муҳандиси Суннат Омоновларнинг фаолликлари, ташкилотчиликлари жамоага намуна.*

*Дов-дарахтлар кўкка бўй чўзганида ўрмончиларнинг ишлари кўзга ташланади. Бунинг учун албатта маълум вақт - йиллар керак. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг қатъий ижросидан дарё қирғоқлари емирилишидан сақланадиган, тоза сув муҳофазаси таъминланадиган, экологик вазият барқарорлашадиган, ҳайвонот ва набобот олами яна жонланадиган кўринади. Шунда... қайта ҳусн очар азим Зарафшон!*

**А.ХУДОЙБЕРИДЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## АРЧАНИ КИМ КЕСДИ, «ЎРТОҚ НАЧАЛНИК»?

*Биров яратади, кимдир қуритади*



Ҳурматли таҳририят!

Ёшим 60 дан ошди. Касбим агроном. Бутун умрим боғ-роғлар яратиш билан ўтган. Бешта фарзанд ўстирдим. Уларга қандай қараган бўлсам, дарахтларга ҳам шундай муносабатда бўлиб келдим. Аммо гап мен ҳақимда эмас.

Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги қишлоқда яшайман. Уйимдан 8-10 километр чамаси нарида «Дўстлик» темир йўл бекати жойлашган. Хизмат, тирикчилик деганларидек, темир йўл орқали у ёқ, бу ёққа қатнашимга тўғри келарди. Аммо... бундан 10 йиллар илгари бекат атрофи бефайз, кўрксизлиги диққатимни тортарди. Айниқса, дарахт йўқ ҳисоби эди. Хайрли иш қилиш кўнглимдан ўтди. Темир йўл маъмуриятига бу фикримни айтдим. «Биноингиз атрофида боғ яратсам, нима дейсиз?» дедим. Хуллас, айримини бозордан, бошқасини турли боғдорчилик хўжаликларидан ўз пулимга сотиб олиб, 40-50 туп мевали-мевасиз дарахт кўчатларини ташиб келтирдим ва ўз қўлим билан шу ерда боғ яратдим. Мол оёқости қилмасин, деган мақсадда ўз маблағим ва меҳнатим ҳисобидан боғ атрофини панжара-тўсиқ билан ўрадим. Бўш вақт топилганда келиб, кўчатларга ишлов бердим, суғориб-бутаб ўстирдим. Олмалар мевага кирди. Арчалар дилга завқ бағишлайдиган бўлди. Соя-салқинлигини айтмайсизми!

Аммо... хайрли ишим, беғараз меҳнатимни қўллаб-қувватлайдиган киши кам бўлди. Бундан бир неча йил илгари, аввалига панжара тўсиқларни кимлардир синдириб, суғуриб олиб кетабошлади, уни тиклашни, назорат остига олишни ҳеч ким ўйламади. Сўнг мевали дарахтларни синдириш бошланди. Тағин масъулият сезадиган шахс топилмади. Энг оғири куни кеча янги йил арафасида содир бўлди. Боғдан хабар олиш учун келсам, осмонга анча бўй чўзиб қолган, кўркам ва салобат тўкиб турган арчалардан 7-10 тупини кимдир тагидан арралаб олиб кетибди. Ҳойнаҳой, Янги йил арча базми учун бўлса керак. Бу ҳолни кўриб, оёқларимдан мадор кетгандай бўлди. Ерга чўккалаб қолибман. Дилим оғриди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Йиғлаб темир йўл маъмуриятига учрашдим. Сўнг... Жиззах шаҳрига йўл олдим. Транспорт милицияси бошлиғигача шахсан учрашиб, ариза бердим. «Арчаларни кесган, бир оқшомлик давра учун жонли дарахтларга шафқатсизлик қилганларни топиш, табиатга, умумхалқ мулкига зарар етказганларни фош этиш керак» дедим. Афсуски... елка қисишдан нарига ўтишмади. Прокуратурага ҳам бордим, хуллас, кўп идоралар эшигига бош суқдим. Бирортасидан озгина бўлса-да, қайишув деган ҳисни сезмадим. Ушбу сатрларни битдиму Тошкентга - Сизнинг ҳузурингизга келдим.

**Ҳазратқул МАРДИЕВ,**
**Жиззах вилояти, Дўстлик тумани**
**Дўстлик жамоа хўжалиги**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Каллаи саҳарда Жиззахдай жойдан, 180-200 км. йўл азобини тортиб таҳририятимизга етиб келган Ҳазратқул бобонинг куйинчаклиги, беғаразлик билан «юртим деб, элим деб» боғ яратгани, «қорнига эмас, меҳнати қадри»га йиғлаганлиги бизни ўйга толдирди. Назаримизда, ўқувчи ҳам бу аҳволга бефарқ қарамайди. Лекин... нега темир йўл маъмурияти, транспорт милицияси прокуратураси, қолаверса, ҳокимият идораларидагилар, табиат ва ўсимлик дунёси, «яшил дунё» ҳимоячилари «елка қисишдан» нарига ўтишмаяпти? Келинг, биргалашиб битта савол қўяйлик:

- Арчани кесган ким «ўртоқ началник»?

Рост гап, ким экан у, Ҳазратқул бобонинг аччқ кўз ёшини тўктирган, қўли «кескир» инсон? Унинг бу қилмишлари бизнинг она табиатга нисбатан лоқайд, кечириб бўлмас муносабатимизнинг бир кўриниши эмасми?




"Ҳаёт ва қонун" журналига обуна индекси: якка шахслар учун-902, ташкилотлар учун-903

"Инсон ва қонун" газетасига обуна индекси: якка шахслар учун-137, ташкилотлар учун-138



Меҳр-саховат ўн кунлиги муносабати билан Фарғона вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги ўқув юртларида таълим олаётган боқувчисини йўқотган 171 нафар ёшларга қишки кийимлар берилди.

**Суратда:**

Фарғона шаҳар саноат коллежи директори Ж.Абдуллаев толибларни янги кийим бошлар билан муборакбод этмоқда.

**Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат**

*Прокурор назорати*

# АВЛОДЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ - ЖИНОЯТ

Ер юзи мусулмон аҳлининг эъзозли дастурий китоби бўлмиш Ҳадиси шарифда ўзганинг ҳақига хиёнат катта гуноҳ эканлиги бот-бот таъкидланган. Бир муслимдан «Шариати иймон нимадур?» деб сўраганларида, у киши: «Ҳаромдин қочиб, талаби рўзийни ҳалолдин нафақа этмоқдур». Яъни ҳалолни енглар ва ҳаромдин қочинглар, деб айтган экан. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча олиб борилаётган ишлар, саъй-ҳаракатлар халқ фаровонлигини ошириш, одамларни тўқ-бадавлат қилишга қаратилган. Республикамизнинг Асосий қонуни - Конституциямизда фуқаро манфаати давлат манфаатидан устунлиги акс этган. Бугун кўплаб корхоналар, ташкилотлар хусусийлаштирилиб, мулк ўз эгасини топган. Савол туғилади: ким кимдан ва нимани шилади? Ўзимизникини ўғирлаймизми? Ўз мулкимизга хиёнат қиламизми? Лекин ўзгалар нонини «туя» қиладиган, бировлар ҳақига хиёнат қилиб, кун кўрадиган шахслар мавжудлиги яна бир бор ҳушёрликка даъват этади.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан шаҳар санитария эпидемиология хизмати вилоят стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази ходимларини жалб қилган ҳолда туман халқ таълими тизимидаги мактабларда 1997 йил 30 август «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ижросини текширди.

Аниқландики, Бухоро шаҳар ҳокимининг 1999 йил 20 октябрдаги 1740-сонли Фармойишига биноан шаҳар халқ таълими тизимидаги 5 та мактабда 17 та ўқув вақти узайтирилган гуруҳларда 595 нафар ўқувчи овқатланар экан. Улардан 59 нафари давлат ҳисобидан 10 фоиз бепул овқатлантирилаётганлиги, 89 нафари имтиёзли, яъни 50 фоиз миқдорида тўлов орқали овқатлантириларкан. Туман халқ таълими тизимидаги 19 та мактабдаги 74 та гуруҳ 2590 нафар ўқувчи овқатланиб, уларнинг 258 таси давлат ҳисобидан 100 фоиз ва 388 таси 50 фоиз имтиёз билан овқатлантирилиб келинган. Кам таъминланган оилалар болаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида тегишли ишлар амалга оширилган.

Шунинг билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги натижасида айрим мактаблар ошхоналарида хўранда соғлигига хавф туғдирувчи маҳсулот тайёрлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, овқатларда ичак бактериясига кирувчи микроблар болаларни заҳарлаши мумкинлиги, баъзи овқатлар тиббий-биологик ва санитария сифат меъёрларига жавоб бермаслиги аниқланди. Масалан, тўғри келган 10 та мактаб ошхонасидаги текширувда уларнинг 7 таси ёки 70 фоизида ўқувчиларга берилаётган овқат сифатсизлиги юқоридагидек жиддий ҳолатлар аниқланди.

Хусусан, 4-сонли мактаб ошхонасида тайёрланган «котлет» маҳсулотидан намуна олиниб, лаборатория таҳлилидан ўтказилганида, бу маҳсулот тайёрлашда етарли термик ишлов берилмаганлиги, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмасдан тайёрланганлиги, улар таркибида заҳарланишгача олиб келувчи микроблар мавжудлиги аниқланди.

Худди шундай ҳолат 2, 7, 24, 27, 33-сонли мактабларда ҳам кузатилди. Табиийки, прокуратура бу ишларни шундай қолдирмади. Чуқур текширувда айбдор шахслар аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 53-моддаси асосида қонуний жазо кўрилиши таъминланди. Масалан, 7-сон мактаб ошпази Р.Ражабов жазоланди. 2-сонли мактаб ошхонаси бош ошпазига нисбатан чора кўрилди.

28-сон мактаб ошхонасида тайёрланаётган овқатлар сифатсизлиги, овқат таркибида оқсил, углевод ва бошқа моддалар камлиги, устига-устак ошпаз Э.Муҳитдинов озиқ-овқат маҳсулотларини талон-тарож қилганлиги аниқланди. Бундай қўлиэгри, нафси бузуқ ошпазга қонуний чора кўрилди. 24-сонли мактаб ошхонасида тайёрланаётган овқатлар сифати устидан назорат етарли ўрнатилмаганлиги оқибатида ўқувчиларда ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқарувчи маҳсулотлар ишлатилиб келинганлиги аниқланди. Бу ердаги «Рожки» макарон маҳсулоти қачон, қайси корхонада тайёрланганлиги ҳам номаълум. Улар аллақачон пўпак боғлаб кетган.

27-сонли мактаб ошхонасидаги «кекс» маҳсулоти намуна учун олиниб лаборатория таҳлилидан ўтказилганида, унинг таркибида заҳарланишга олиб келувчи бактериялар, ичак таёқчалари мавжудлиги аниқланди. Бундай ҳолатларга бошқа куни узайтирилган мактаблар ошхоналарида ҳам йўл қўйиб келинаётганлиги очилиб қолди.

Прокурорлик - қонуний чоралар кўриш ўз йўлида. Аммо вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими тизимидаги мутасаддилар келажагимиз бўлган ёшларнинг баркамол салоҳияти, мустаҳкам соғлом бўлиб етишиши учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этмоқлари керак, деб ҳисоблаймиз. Ёшлар, ўқувчилар соғлиғига хавф туғдиришдек бундай аҳволдан ташқари, болалар ҳақига хиёнат қилиш... Ахир, хиёнат бу жиноят-ку! Бироз бўлса-да, «ўгирилайлик» азизлар!

**Фарҳод МАҲМУДОВ,**
**Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси**

*«Адолат» чоп этган китоблар*

# ҲАҚНИ ИЗЛАБ САРСОН БЎЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

- Ака, йўл кўрсатинг, қайга борай?

- Ягона сизга бош эгиб келдим, маслаҳат беринг!

Бу хилдаги ариза, шикоятлар давлат ва ҳуқуқ идораларига қилинаётган мурожаатларнинг аксарисини ташкил этаётгани сир эмас.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси деб номланувчи қонунлари Мажмуи 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва унда юқоридагидек савол-мурожаатларга батафсил ечим акс эттирилган. Мазкур Кодекс республикамиз ҳудудида жиноят ишларини бошдан охир юритишнинг қонуний тартибини белгилаган бўлиб, унинг ҳар бир қоидаси прокурор, суд, милиция ходими, тергов, суриштирув органлари, адвокатлар, қолаверса, ҳар бир фуқаро учун муқаддас, оғишмай бажарилиши мажбурийдир.




Кодекс ҳар бир ҳаракатнинг қонуний ёки ноқонунийлигини аниқлаб берган. Унга қатъий амал қилиш тартиби билангина тегишли органлар ва уларнинг ходимлари ҳаракат қилиши мумкин. Нақадар одил ният билан бўлса-да, ушбу қонун талабидан четга чиқиб иш тутишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Акс ҳолда қонун посбонининг ўзи, хоҳ прокурор, хоҳ судья, хоҳ терговчи бўлсин, қонунбузарга айланиб қолади ва қаттиқ жазоланади.

Шундай кучли ва қудратли, ҳамроҳ ва маслаҳатчи, кўмакчи ва йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилувчи Кодексни ҳуқуқий давлатнинг ҳар бир фуқароси яхши ўрганиши, мағзини чақиши, талабларини билиши ва лозим ҳолда талаб қила билишга қодир бўлмоғи керак.

Ана шундай эзгу ниятлар билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти, яқинда Кодекс қабул қилингандан кейинги 5 йил ичида киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни акс эттирган ҳолда унинг ўзбек ва рус тилидаги матнни китоб ҳолда қайта чоп этди. Китоб-кодекс 15 минг нусхада босилиб, савдо тармоқлари, китоб дўконларида сотилмоқда.

Унга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходимлари Ҳожимурод Одилқориев ва Мирфайзи Мирсамадовлар нашрга тайёрлаган, Дилбар Дадажон қизи ва Р.Зокировлар муҳаррирлик қилган.

Кодекс-китобни сотиб олинг, ўқиб-ўрганинг, зеро, ушбу хабаримиз бошидагидек саволлар, сарсонгарчиликлар, ўринли-ноўрин талаблар қўйишларга ўрин қолмайди. Фойда топасиз, ютқизмайсиз. Кодекс ҳамроҳингиз бўлсин!

**Файзулла ҚИЛИЧЕВ,**
**ҳуқуқшунос-ёзувчи.**

*Таҳририятга хат*

# АКАМНИНГ ХАТОСИ ҚИММАТГА ТУШДИ

1996 йил октябр ойида акам Собит Содиқов оила аъзоларимиз билан келишмаган ҳолда уйни фуқаро Давронбек Олимовга сотиб юборади. Мен бу вақтда Самарқандга турмушга чиққан Азиза опамникида меҳмонда эдим. Бошқа акаларим уй-жойли бўлиб чиқишган. Фақат кичик укам Қувватни алдаб, «уйни сотишга рози бўлсанг, мен ҳам қарзларимдан қутуламан, ҳам алоҳида уй олиб яшаймиз» деб уни йўлга солган.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб воқеадан хабардор бўлдик. Тезлик билан уйнинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш бўйича Нукус шаҳар судига даъво ариза бердик. Шаҳар суди 1997 йилнинг 7 февралида мазкур уйнинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш бўйича ҳал қилув қарори чиқарди. Суд қарори билан уйимизни қайтариб олдик ва кўчиб кирдик. Орадан олти-етти ой ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг Раёсатига (назорат тартибида) протест юборди. 1999 йил 13 сентябрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди судьяси Қ.Эралиев раислигида навбатдаги суд мажлиси бўлди. Иш материаллари бўйича низоли уйнинг охирги эгаси, яъни акам Собит Содиқов уйда таъмирлаш ишларини бажариб, оила аъзолари билан келишувга кўра уни 1996 йил 3 октябрда Д.Алимовга сотган ва суд мажлисида гувоҳ Л.Ли жавобгар Д.Алимов важларни тасдиқлайди деб келтиради.

Биз яшаб келаётган Шерозиева кўчаси 14-уй нафақат Нукус шаҳри аҳолиси, балки бутун қорақалпоқ, Ўзбекистон халқи яхши билишади. Отамиз - Ўзбекистон халқ шоири Содиқ Нурумбетов ушбу уйда яшаган ва ижод қилган. Оилада 10 фарзандмиз. Мен раҳматли онам Париза Хўжанова ҳаётлик пайтида 1989 йили турмушга чиқдим. 1992 йил март ойида турмушим бузилиб, онам ва акаларим қарамоғига икки фарзандим билан қайтиб келганман. Орадан бир йил ўтиб онам вафот этди.

Акам шу уйда яшаб келаётган синглиси, яъни мен билан маслаҳатлашмай қилган хатосини тан олди.

Ушбу уйнинг олди-сотди шартномаси Нукус шаҳар 1-нотариат идораси томонидан ноқонуний тузилган. Биринчидан, шартнома талабларига кўра уйда рўйхатда турувчи бошқа манфаатдор кишиларнинг розилиги тўғрисида ҳеч нарса қайд қилинмаган. Иккинчидан, қўлимиздаги шартнома нусхасида уйнинг баҳоси Д.Алимов томонидан 200 минг сўм эмас, 100 минг қилиб кўрсатилади. Шартноманинг асл нусхаси эса идоранинг қайд қилиш китобида йўқ. Уни йўқотиб юборишган.

1999 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати коллегияси бўлиб ўтди. Коллегия раиси М.Сафоева менинг даъвогар сифатидаги гапларимни эшитишни ҳам хоҳламай «сизнинг бу уйга даъволик қилишга ва бу ерда сўзлашга ҳаққингиз йўқ» дея сўзлашга қўймади. Шу низоли уйда қонуний рўйхатда бўлсаму уйнинг тақдирига аралашолмасам, бу қандай гап?

Ҳурматли таҳририят! Дейлик, М.Сафоевнинг фикрича, мен даъвогар бўлмайин. Лекин икки норасида фарзандим билан акамнинг қилган хатоси учун бошпанасиз, кўчада қолиб кетаверишим керакми? Ким менинг ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилади?

Сизлардан икки норасида фарзандим ҳаққи ўтиниб сўрайман, мазкур ишни қайта одилона кўриб чиқишга ёрдам берсангизлар!

**Алима СОДИҚОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри**

*Судья минбари*

# ТУНГИ ШАРПАЛАР

Кўр кўрни қоронғида топади, деган гап бор. Жалолқудуқ тумани қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ қўлиқинғир, меҳнат қилиб, тирикчилик ўтказишга бўйни ёр бермайдиган ўғрилар, гарчанд кўзлари кўр бўлмаса-да, «қоронғида» топишишди.

Аввал ҳам судланган Хайрулла Ниёзматов ўз атрофига ўзига ўхшаган текинтомоқ, ишёқмас кимсаларни уюштирди. Улар Хайрулла билан бирга етти киши бўлишди. Ўғрилар худди сиртдан кўршапалакка ўхшаб, кечаси ишлашга, аслида бу беозор, ҳалол ҳайвон-паррандадан фарқли ўлароқ, от, мол-қўй каби уй ҳайвонларини ўғирлашга «ихтисос»лашишди.

Мана, уларнинг 1998 йилги «муваффақиятли» амалга оширган ўғирликлари «ҳисоботи»дан кўчирма:

28 январга ўтар кечаси Хайрулла Ниёзматов «ҳамкасблари» Адҳамжон Холматов ва Бахтиёржон Султонов билан «Савой» агрофирмаси ҳудудида яшовчи Бегали Ашиевнинг ҳовлисидан икки бош қўйни ўғирлашди.

21 февралга ўтар кечаси, тунги соат 1 лар чамасида Хайрулла Ниёзматов гуруҳ аъзолари бўлмиш Нўъмонжон Мамажонов, Холмуҳаммад Исоқовлар билан бирга Жалолқудуқ тумани «Қўштепа» жамоа хўжалигида яшовчи Абдувоҳид Эргашев ҳовлисидан икки бош қўйни ўғирлаб олиб кетишди.

23 февралга ўтар кечаси бир бош қизғиш рангли 7 ёшли 70 минг сўм баҳолаган отни ўғирлаб олиб чиқиб кетишди.

25 апрелга ўтар кечаси бир бош қора рангли ғунажинни ўғирлашди.

20 июнга ўтар кечаси тунги соат бирлар чамасида 40 минг сўмга баҳоланган бир бош қора рангли новвосни «етаклаб» кетишди.

...Рўйхат давом этаверади. 23 июн, 5 июл, 12 август, 17 августга ўтар кечаси икки жойда, 28 август, 30 август, 9 сентябр, 27 сентябр, 11 октябр кунларига ўтар кечалари яна 15 марта ўғирлик содир этилган. Ҳар бир ўғирлик тунида бир хонадон қон қақшаб қолаверган. Ҳар бир хонадондан камида икки бош қўй, бир ёки икки бош ғунажин ё новвос ўғирлаб кетилаверган. Уларнинг ҳаммаси сотиб улгурилган. Ўғриликлар ҳаммаси сотиб улгурилган. Ўғриликлар Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Хўжаобод туманлари ҳудудида содир этилган. Аммо бу узоққа чўзилмади, улар қўлга тушдилар.

Энди гуруҳ аъзоларини таниб олинг. Хайрулла Ниёзматов - ўғрибоши, Адҳам Холматов, Шермуҳаммад Бўрибоев, Нўъмонжон Мамажонов, Бахтиёр Султонов, Холмуҳаммад Исақов, Нўъмон Йўлдошев ҳаммалари Жалолқудуқ тумани Тошматов номли жамоа хўжалиги ҳудуди Қайрағочтаги маҳалласида яшашган.

Ўғирликнинг анатомияси ўрганилганда ўғрибоши, судланувчи Х.Ниёзматов ўзининг юқорида кўрсатилган барча ғайриқонуний ҳаракатлари билан муқаддам қасддан содир қилган жинояти учун судланиб жазони ўтаб чиққандан сўнг ҳам тегишли хулоса чиқариб, тузалиш йўлига кирмаган. Жиноий шериклари билан тил бириктириб, уюшган гуруҳ тузиб, мунтазам равишда ўзгаларнинг жуда катта миқдорда, яъни 842 минг сўмлик (1998 йилги нархда) миқдордаги мол-мулкини талон қилишган. Уларнинг ушбу жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 4-қисми «А» ва «В» бандлари билан малакаланади.

Нега улар бу йўлга кирди? Нафс балоси уларни шундай жиноя кўчасига етаклади. Бунинг устига уларнинг бирортаси ҳам ишламайди. Бекорчилик эса уларни ўғирликка, текинхўрликка, бел оғритмай нон топишга етаклади. Аслида бу виждонсизлик, иймону эътиқоднинг сустлиги, ахлоқан юзтубун кетиш эмасми?!

Жиноятга жазо муқаррар. Эл-юрт мол-мулкини ўғирлаб, талон-тарож қилган ўғрилар қилмишига яраша жазо олдилар. Улар 8-12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Бу ишни кўриш давомида ўзбек халқининг атоқли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси кўз олдимдан кетмади. Ҳамма замонларда ҳам ўғрининг юзи қора бўлган.

**Илҳомжон СОТВОЛДИЕВ,**
**Андижон вилояти, Жалолқудуқ туман судининг раиси**

*Жиноят жазосиз қолмайди*

# ЁМОН МЕҲМОН ТЎЙ БУЗАР

Халқимизда ана шундай мақол бор. Аслида эркак шаъни муқаддас. Мўътабар оналаримизнинг суянч тоғлари, Ватанимизнинг номусу ори - эркаклардир. Аммо шоли ичида курмак бўлгани каби турмушда ҳам ҳалига мақолни эслатиб турувчилар кўп учрайди.

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ёшлик қўрғонида яшовчи Карим Саидов ана шундайлардан бўлиб чиқди. У илгари ҳам бир неча марта судланган. Кўп бор озодликдан маҳрум этилиб, жазоларни ўтаб қайтган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқара олмаган бу кимса яна «хурмача қилиқ»ларини бошлаб юборди.

Ўтган йилнинг 29 октябр куни Гулистон тумани Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи танишиникига тўй базмига борган. Карим ичиб олгач, қони қизиб жўша бошлади. Давранинг ўртасига чиқиб олиб, алмойи-алжойи қилиқлар билан рақсга тушиб, ўзича базмни қизитди. Аммо вақти-соати етиб, тўй ҳам ниҳоясига етди. У хонадон соҳиблари билан хайр-хўшлашиб, темир йўл бўйлаб, уйига қайтаркан, суҳбатлашиб турган уч-тўрт йигитга кўзи тушди. Гўё улар Каримни кўрсатиб, «унинг хотини бузуқ» деяётгандек туюлди. Миясини худбин хаёллар ўраб, қадамини тезлатди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Сўнг хотинининг ишхонаси - Орзу номли болалар боғчасига шошилди.

Ҳамкасблари Маъмура Ҳакимовага уни эри сўраётганини айтишди. Боғча ҳовлисига тушиб, эрини кўрган бечора аёл унинг яна ичиб олганини дарҳол пайқади. Карим хотинига кўзи тушиши билан «Мени яшашга қўясанми, йўқми?» дея ўшқирди ва қўрқаписа ёнига яқинлашган хотинининг бошига мушт туширди. Гангиб қолган Маъмура қочди, эри қувди. Ўзлари яшайдиган уйга етиб боришди. Ур-сур, дод-вой бошланди. Қўшниларнинг ҳам тинчлиги бузилди. Шу пайтда ҳеч кимнинг панд-насиҳати Каримни тартибга чақира олмади. У ҳе йўқ, бе йўқ, бир қўшнисининг томорқаси атрофига ўралган тахталарни синдира бошлади.

- Ҳой, нега бундай қиласан, тўхта! - деб унинг йўлини тўсган қўшнини уриб солди. Ниҳоят, маст туядек қутурган Каримни Ички ишлар ходимларигина тинчита олишди.

- Суд тиббиёт экспертизаси Маъмура Ҳакимова ҳамда қўшни Абдураим Мамировларга тан жароҳати етказилганини аниқлади.

Бир ёмоннинг аҳмоқона ҳаракатлари атрофдагиларга таъсир қилмай қолмади. Болалар боғчасида тинчгина ўтаётган кун тартиби ўзгариб, кўча-куйдагилар, маҳалла-ю, қўни-қўшнилар ороми бузилди. Энг ачинарли томони ёлғизгина фарзанд тарбияси бир ўзининг зиммасига қолаётган она - Маъмуранинг саломатлигига шикаст етди.

Хуллас, эл билиб айтган экан, «ёмон меҳмон тўй бузар» деб. Бу сўзларнинг мазмун-моҳияти нечоғли чуқур эканлиги ҳақида тўхталиб ўтирмасак ҳам бўлади. Алқисса, Карим Саидов Сайхунобод туман судининг ҳукмига кўра етти йилга озодликдан маҳрум этилди.

**Аҳмад БОБОБЕКОВ,**
**Сайхунобод тумани прокурори,**
**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



*Митти мусоҳаба*

# ҲАР ИШ ЎЗ ВАҚТИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

***Республикамиз аҳолиси орасида турли русумдаги автотранспорт воситалари кўпайиб бормоқда.***

***Ушбу транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш, рўйхатга олиш ва республикамиз мустақиллигидан сўнг жорий этилган янги давлат белгилари билан таъминлаш ва автотранспорт воситаси бошқарувларига ҳайдовчилик ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш қай тарзда кечаётганлиги хусусида Шаҳрисабз туман ИИБ туманлараро имтиҳон қабул қилиш ва автомобилларни рўйхатга олиш давлат автомобил назорати бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Орол ЯРМАТОВ билан суҳбатлашдик.***



- Биз вилоятимизнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Чироқчи туманларида яшаётган аҳолига хизмат кўрсатмоқдамиз. Бугунга келиб ушбу туманларда мавжуд бўлган хусусий ва давлат транспорт воситаларининг катта қисмига янги жорий этилган тартиб рақамлари беришга улгурдик.

Айни пайтда Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи ва Яккабоғ туманларининг марказларида фуқароларни ҳайдовчилик мутахассислиги бўйича ўқитиш уларга гувоҳномалар бериш мақсадида 13 та ўқув муассасалари мавжуд бўлиб, улар белгиланган қоидалар асосида иш олиб боришмоқда.

Ўтган йил мобайнида 5853 та автоулов назоратдан ўтказилиб, шуларнинг ичида 2 таси ўғирланган автоулов эканлиги аниқланиб, тегишли идораларга ҳал қилиш учун жўнатилди. Бу ҳолат транспорт воситалари сотиб олаётганлар олди-сотди ишларини ходимларимиз назорати остида амалга оширсалар фойдадан холи бўлмаслигини кўрсатади.

Яна бир фикр. Ҳайдовчилар негадир боқибеғамлик қилиб, ўз автомобиллари давлат белгисини ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳанузгача янгисига алмаштиришга шошмаётганларини кўриб турибмиз. Биз уларга ҳар нарсани ўз вақтида бажаришларини маслаҳат бердик.

Бугунга келиб фуқароларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 4 дона янги русумдаги компьютерлар келтирилиб, унда малакали ходимлар ишлашмоқда. Авваллари турли тўловлар учун мижозлар банкма банк сарсон бўлишган бўлса, эндиликда барча тўловлар бевосита шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.

Зотан бизнинг мақсадимиз халқимизга холис хизмат қилиб, уларнинг оғирини енгил қилишдир.

**Озод АЛИҚУЛОВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*




Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан яратган Оллоҳнинг ўзи асрасин», деган нақл бор. Дарҳақиқат, ўт балоси шундай тилсиз ёвки, агар озгина бепарволикка йўл қўйилса инсоннинг жонига, пешона тери тўкиб йиққан-терган мол-дунёсини бир зумда кўкка совуриши мумкин. Шунинг учун, бу балодан асрашни Оллоҳдан сўраш билан бирга, ўзимиз ҳам ҳушёр бўлишимиз, ёнғин хафвсизлиги қоидаларига амал қилишимиз даркор.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан 1999 йилнинг 15 декабридан 2000 йилнинг 15 январигача ёнғин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилиши айни муддао бўлди. Бу борада Андижон вилоят ҳокимининг қарори ҳам қабул қилинди.

Шу боис ёнғинга қарши курашнинг аҳволи, ёнғин ҳодисаларининг сабаб ва оқибатлари чуқур таҳлил қилинмоқда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1999 йил давомида Андижон вилоятида 1131 та ёнғин ҳодисаси содир бўлган. Оқибатда моддий зарар кўрилган. Энг даҳшатлиси ва ачинарлиси, бу ёнғин ҳодисаларида 14 нафар инсон ҳалок бўлган. 94 нафар киши турли даражадаги тан жароҳати олган. Албатта, бу рақамлар илгариги - 1998 йилга нисбатан 20-50 фоизга кам бўлса-да, барибир ҳаётдан бевақт кўз юмган ҳар бир инсоннинг умри азиздир. Танаси куйиб, жароҳат олишдек азоб ҳам ҳеч кимнинг бошига тушмаса, кошкийди.

Ёнғинларнинг сабаблари таҳлил қилинганда ёш болалар билан боғлиқ (161), маст ҳолатда сигарет чекиб ухлаб қолиш (46), аҳоли хонадонларида тутун тортиш мўриконларининг носозлиги (228), иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш (359), носоз электр тармоқлари (281), телевизорни назоратсиз қолдириш (12) каби ҳолатларни кўриш мумкин.

Халқ хўжалиги тизими объектларида келиб чиқаётган аксари ёнғин ҳодисалари коммунал хизмат кўрсатиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, халқ таълими, энергетика ва электрлаштириш вазирликларининг вилоятдаги корхона ва ташкилот, муассасаларида учрамоқда. Бу жойларда юз берган ёнғинлар туфайли катта миқдорда моддий зарар кўрилмоқда.

Ўтган йил давомида вилоятимизнинг Асака шаҳрида, Улуғнор, Хўжаобод, Булоқбоши туманларида ёнғин ҳодисалари сони ошган.

Афсуски, Янги йил арафасида ва ундан кейинги кунларда ҳам жуда нохуш ёнғин ҳодисалари юз берди. Вилоятда табиий газ босимининг кўтарилиши, хонадон соҳибларининг бепарволиги оқибатида 1 январ куни 13 та, 2 январ куни 12 та ёнғин ҳодисаси содир бўлиб, уй-жойларга катта миқдорда зарар келтирди. Натижада бир неча оила қишли-қировли кунларда бошпанасиз қолди. Энг ачинарлиси, Пахтаобод шаҳрида икки яшар гўдак бешикда куйиб, қаттиқ тан жароҳати билан шифохонага ётқизилди.

Пахтаобод шаҳридаги Амир Темур кўчаси, 12-уйда яшовчи Мамадали Кенжаев ўз хонадонидан чиққан ёнғин натижасида ҳалок бўлди.

Табиий газнинг хонага тўлиб қолиши натижасида Андижон шаҳар 2-кичик даҳа, 45-уйининг 5-хонадонида яшовчи опа-ука Ойдин ва Ойбек Бектемировлар, уйларига меҳмонга келган қизалоқ - Дилноза Ортиқовалар заҳарланишиб вафот этишди.

3 январ куни кеч соат 18 ларда Избоскан тумани, А.Тиллабоев номли жамоа хўжалигининг Қўшкўприк қишлоғи, Бўстон кўчаси 25-уйда яшовчи 1960 йилда туғилган Маъмурахон Маматазизова кўмир чўғи солинган сандалда ис газидан заҳарланиб вафот этди.

Андижон шаҳар 5-кичик даҳа, 6-уйда яшовчи Саидаброр Асқаровнинг уйида табиий газни назоратсиз қолдириш натижасида портлаш содир бўлиб, уй бекаси жароҳатланди, рўзғор буюмларига катта зарар етди.

Бундай фожиалар бўлмаслиги мумкин эдими? Албатта, бундай ёнғинларнинг бош сабаби битта - у ҳам бўлса, бепарволик ва лоқайдликдир. Бунга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслик ҳам қўшилади.

Биз айни кунларда ана шундай фожиаларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлии ойлиги тадбирлари доирасида кўплаб рейдлар, текширишлар, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Бунда маҳаллий радио ва телевидение газеталарининг имкониятларидан кенг фойдаланаяпмиз.

**Сайдолим САЙИДАЛИЕВ,**
**Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги**

Акс-садо

# «ТАЛОН ҚИЛИНГАН МУЛК»

(«Инсон ва қонун» 44-сон 1999 йил) мақоласи юзасидан Бирлашган таҳририятимизга кўплаб мактублар келди

## ТААЖЖУБ ВА ТААССУФ

Кўплар қатори мамлакатимиз марказий матбуот нашрларини қизиқиш билан ўқиб, кузатиб бораман. Айниқса, қонунни, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи идоралар нашрларини, хусусан, «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ», «Постда» газеталари, «Ҳаёт ва қонун», «Қонун ҳимоясида», «Қалқон» журналларини мунтазам мутолаа қиламан. Зеро, касбим шуни тақозо этади.

Республикамизда чиқаётган айрим газеталар тўртинчи ҳокимият сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаётганлиги, энг долзарб, ўткир мавзуларни кўтариб чиқаётганлиги, баъзи мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини аёвсиз фош қилаётганлиги биз вилоятлардаги журналистларни ҳам қувонтираяпти. Яқинда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газетаси «Инсон ва қонун»нинг (1999 йил 2 ноябр)да эълон қилинган «Талон қилинган мулк ёхуд Қаршида аннарўзлик тадбиркор Ором Лапасовнинг миллионлари ноқонуний ўзлаштирилиб, бир ярим йилдан буён ороми йўқолгани ҳақида» сарлавҳали мақола бунинг яққол далилидир. Унда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Аннарўз қишлоғида «Лапас бобо» хусусий фирмасини очган тадбиркор Ором Лапасов бултур ёзда Россиядан келтираётган 17.585 АҚШ доллари нархидаги мулк Қашқадарё вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Калонов буйруғи билан... Суюн Очилов деган шахснинг уйига туширилганлиги ва ими-жимида сув қилиб юборилганлиги, бечора фуқаронинг бу бедодликдан арз этиб турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига бош урганлиги, аммо наф чиқмаганлиги, ҳақ иш жойида қарор топмаганлиги фактлар асосида фош этилган. Ана шундай ғайриқонуний ишнинг бошида қонунни ҳимоя қилишга даъват этилган мансабдор шахснинг турганлигини ўқиб, ҳайратдан ёқамизни ушлаган эдик.

Президент Ислом Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида, бошқа вилоятлар Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида раҳбар ходимлар, хусусан, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек масъул соҳага мутасадди бўлган мансабдор шахсларнинг қонунни оёқости қилишларига йўл қўйиб бўлмаслигини бир неча бор уқтиргандилар-ку, ахир. Наҳотки, бу қонун ҳимоячисига сабоқ бўлмаса!

«Талон қилинган мулк» мақоласини ўқиб юқоридагидек мулоҳазаларни дилдан ўтказар эканман, энди қонун юзига оёқ қўйган, мансабини суиистеъмол қилган Бахтиёр Калонов ва бошқа «Қонун ҳимоячилари»га қонунга биноан қаттиқ чора кўрилса керак, деган хаёллар билан юрган эдим. Иттифоқо, Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри «Постда» газетасининг шу йил 26 ноябр сонида «Жиноятга жазо муқаррар» сарлавҳали мақолага кўзим тушиб қолди. Қизиқиш билан ўқидим. Муаллиф исм-шарифи ва лавозимини ўқиётиб таажжубланиб ёқамни ушладим. Мақола тагида «Бахтиёр Калонов» деган имзо турарди. Ҳа, ўша «Инсон ва қонун» газетасининг юқорида тилга олинган «Талон қилинган мулк» танқидий мақоласи бош қаҳрамони. Ўйланиб қолдим. Демак, Б.Калонов «Инсон ва қонун» газетасида чоп этилган мақоладан кейин шу йўл билан «ёпиғлиқ қозонни» янаям зичлаб ёпмоқчи бўлдимикан! Мабодо, мақсад шундай бўлса, «Постда»га қойил қолмадик. Қолаверса, мансабини суиистеъмол қилган қонун ҳимоячиси қандай қилиб бошқаларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари тўғрисида гапира олади? Бунга унинг маънавий ҳақ-ҳуқуқи бормикин?!

«Инсон ва қонун» газетасидаги «Талон қилинган мулк» ва «Постда» газетасидаги «Жиноятга жазо муқаррар» сарлавҳали мақолаларни ўқиган газетхонлар ҳам таажжубланишлари турган гап.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**Хоразм вилояти**
**«Муҳофаза»**
**газетаси муҳаррири**
**ўринбосари**

## ТАДБИРКОРГА АЧИНДИК

«Талон қилинган мулк» номли мақолани ўқиб, мустақил давлатимиз равнақига тўсқинлик қилаётган, ўз мансабидан фойдаланиб инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилаётган, айрим ҳуқуқ идорасидаги мансабдорларга нисбатан нафратимиз ошди. О.Лапасовга эса ачиндик.

Ҳурматли таҳририят! Сизлардан илтимос, муаммонинг илдизини топиб, ечими ҳақида ҳам мақола берсангизлар...

**У.АЛИМОВ,**
**«Инсон ва қонун»нинг**
**мухлиси**

## НОҲАҚЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

«Талон қилинган мулк» номли мақолани изтироб билан ўқиб, айрим қонун ҳимоячиларининг нохолис ишларидан ҳайратга тушдик. Сизларга шундай адолатсизликни фош қилганларингиз учун минг раҳмат. Сизлардан илтимосимиз - масалани охирига етказиб, натижасини халққа билдириб қўйсангиз.

***Салом ва эҳтиром билан уруш ва меҳнат ветеранлари номидан:***

**БОБОНОВ,**
**ТУЛАЕВ,**
**МУҲАММАДИЕВ,**
**СОБИРОВ ва бошқалар**

## ГАЗЕТАГА ОБУНА БЎЛДИК

Биз - маҳалла аҳли «Инсон ва қонун» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Бу йил ҳам «Жаҳолат», «Азага айланган тўй», «Сирли ўйин», айниқса, «Талон қилинган мулк» мақоласидан таъсирланиб кўпчилигимиз унга обуна бўлдик. Биз ушбу мақола натижасини ҳаяжон блан кутаяпмиз ва албатта, ижобий ечимдан умидвормиз. Таҳририят жамоасига аввало Оллоҳдан соғлик ва зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

***Чироқчи тумани, «Қайсар ва ўнаки» маҳалласи хотин-қизлари номидан:***

**Нилуфар ДИЁРОВА,**
**Нигора МИРЗАЕВА,**
**Шодмон ҚЎШОҚОВА**
**ва бошқалар.**

## МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМИЗ

Ҳурматли адолатпарвар «Инсон ва қонун» газетаси жамоаси! Биз бир гуруҳ ўқитувчилар «Талон қилинган мулк» мақоласини ўқиб, ҳаяжонга тушдик. Маълумки, мақоладаги орган ходимлари ноқонуний ҳаракатлар содир этишган. Жиноятларни очиш ўрнига зўравонлик ва фирибгарлик йўлига ўтган Суюн Очиловнинг уйдирма гапларига қўшилиб, уларнинг ҳуқуқий идораларда ишлашга маънавий ҳақи йўқ деб ҳисоблаймиз.

Газетанинг бу кимсалар қилмишини фош этиб, тадбиркорларни ҳимоя қилиш йўлидаги савобли ишлари бизларга манзур бўлди. Биз севимли газета ҳақ сўзни айта олаётгани учун ҳам унга миннатдорчилик билдирамиз.

***Кашқадарё вилоятидаги 104-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари номидан:***

**Н.НУРМАНОВ,**
**Ҳ.ДИЁРОВ,**
**Қ.БОЙҚУВВАТОВ,**
**Ш.ШОДИЕВ**

## МЕНДА ҲАМ АРЗ БОР

Ҳурматли Бирлашган таҳририят Бош муҳаррири!

«Талон қилинган мулк» номли мақолани ўқиб, аввало кўзимга ишонмадим, яна бир қайта ўқиб чиқиб, Бирлашган таҳририят жасоратига қойил қолдим.

Негаки, жамиятимизда учраб турадиган бундай иллатлар тўғрисида шу кунгача бирор-бир газета бунчалик даражада очиқ ёзмаган.

Мана, бўлар экан-ку, иллатлар ҳақида очиқ гапирса! Умуман, бундоқ олиб қараганда, марказий нашрларни ҳеч бирини камситмоқчи эмасману аммо «Инсон ва қонун» газетаси ҳаммасидан ажралиб туради, ўзининг ўрни бор.

Шундай қилиб, мақолани ўқиб, ўксик кўнглим анча таскин топди. Негаки, мен ҳам бир неча ойдан буён саргардон бўлиб, дардимни кимга айтишни билмай юрган эдим.

Гап шундаки, мен шу йил апрел ойида турмуш ўртоғим номига расмийлаштирилган автомашинамизни уйимиз олдига қўйиб қўйганимда икки кўча нарида яшовчи Баҳодир Суюнбоев деган кимсанинг етти ёшли ўғли тош билан уриб, орқа ойнасини синдирибди. Бир ойга яқин отаси «зиённи тўлайман» деб юрди. Бироқ бирор аниқ ҳаракат қилавермагач, судга даъво аризаси билан мурожаат қилдик. Қўрғонтепа туман суди 24 май куни даъвони тўла қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган бўлса ҳам ҳозиргача қарор ижро этилмади. Туман суди раиси Қудратилло Аматохунов суд ижрочиси Икром Содиқовга шахсан менинг олдимда икки-уч маротаба ижрони тезлатишни айтсаям, ижро негадир пайсалга солинмоқда. Бу борада ҳам сизларнинг ўткир нигоҳингиз керакка ўхшайди, чамаси?!.

**Нўъмонжон СОДИҚОВ,**
**Андижон вилояти,**
**Қўрғонтепа тумани**

Шу сонга хабар

## «МАКТАБ МИЛИЦИЯ»СИ СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Яқинда пойтахтимизнинг Алишер Навоий номли Санъат саройида «Соғлом авлод йили»га бағишлаб Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика инспекторлари ҳамда «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбарлари иштирокида семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Семинар кенгаш Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олишга бағишланди. Унда жиноятнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Зуҳриддин Бобокалонов маъруза қилиб, жумладан, янги асрда мустақил республикамизнинг нечоғлик ривожланиши келажак авлод - ёшларимизга уларнинг тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир деди.

- Биз янги йилда болаларнинг соғлом, ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари учун уларга нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартириб, алоҳида дастур, янги услублар ишлаб чиқишимиз лозим, - деди у фикрини давом эттириб. Ва ўзи ишлаб чиққан «Мактаб милицияси» хизмати лойиҳасини Тошкент шаҳар мактабларида жорий этишни таклиф қилди.

Таклиф қилинган хизмат биринчи навбатда ўсмирларни катта ҳаётга тайёрлаш, уларни тарбиялаш, ўқитиш, амалдаги қонунларимизга ҳурмат руҳида ўстириш каби бир қатор ижобий тадбирларни ўз ичига олади.

Мазкур таклифни ҳаётга тадбиқ этиш соғлом авлодни шакллантиришда катта аҳамият касб этади ва чуқур масъулият узоқ ва сермашаққат меҳнатни талаб қилиши табиий.

Анжуманда иштирок этган «Камолот» жамғармасининг шаҳар бўлими раҳбари М.Расулова, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар бўлими директори Г.Тўхтаева, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раиси А.Гадойбоев, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Йўлдошевлар киритилган таклиф юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ,**
**милиция катта**
**лейтенанти**

*Ҳаёт синовлари*

## БАХТ ҚАСРИГА ЕТМАЙИН ВИДО...

### ёки 18 ёшида очилмай хазон бўлган қиз қисмати

БАХТ... Барчамизни оҳанрабодек сеҳрловчи, унга етишиш илинжи билан ортидан югурганимиз БАХТ нима ўзи? У севикли ёрми, узоқ умрми, ё давлат-бойликми, фарзандми?.. Бахт йўлининг синовли бекатларидаги турли адашишлар, хатолар, кутилмаган воқеа, тасодифлар, ёинки, хуш кайфиятлар, дийдорлар, борингки, хиёнатлар... Булар барчаси бизнинг бахт ҳақидаги оддий орзу-умидларимиз мазмунидан кенгайиб, катта манзараларини очиб беради. Биз умр йўлимизнинг кўплаб бекатларини ортда қолдириб борганимиз сари **ҳақиқий бахт**нинг тиниқ чеҳрасини кўра бошлаймиз. Ҳаромдан юз ўгириб, пок одамлар билан дўст тутинганларни бахтлилар, дегинг келади. Орзу-умидлари амалга ошиб, ўз ҳаётидан қониқиш ҳосил қилганлар ҳам бахтлилар сирасига киради. Аммо ҳаётда тўкис бахт йўқ, унинг қаеридир доимо кемтик бўлиши ҳам ҳақиқатдир. Бир ҳикматда айтилишича, икки қўшни бўлиб, уларнинг бири бағоят бой-бадавлат, бироқ фарзандсиз экан, иккинчиси ғоят камбағал, аммо фарзандлари кўп экан. Ҳар иккиси ҳам ўзини бахтли ҳисоблашаркан. Бой қўшни камбағал қўшнисининг уйида доимо шовқин-сурон, қийқириқ, бағир-буғур овозлар эшитавергач, бир куни қўшнисини чақириб дебди:

- Ейишга овқатларинг йўқ, ҳаммаёқдан қарзсизлару кеча-ю кундуз уйларингда кулгу, шовқин-сурон, бу қандай гап-а?

Камбағал қўшни қошларини чимириб бироз ўйланиб қолибди, сўнг шундай жавоб қилибди:

- Бизнинг олтин олмаларимиз бор. Шуларни думалатиб ўйнаб, қийқирамиз, хонадонимиздан кулгу аримайди.

Бой уйига қайтиб, сандиқдан олтин олиб, заргарникига жўнабди. Иккита олтин олма ясаттириб келибди. Хотини иккаласи роса думалатиб ўйнашибди, чеҳраларида кулгу аломати пайдо бўлмабди. Қўшнисига бу ҳақда сўзлаган экан, у кулиб дебди:

- Эй, қўшнижон, бизда олтин нима қилсин, бизнинг олтинимиз шу болаларимиз. Шулар билан қувонамиз, куламиз, яйраймиз. Камбағаллигимиз ҳам, қарзларимиз ҳам унутилиб кетади.

Бой ўзининг бахтли эмаслигини англабди, индамай уйига кириб кетибди. Камбағал қўшниси ҳам ўша тун қашшоқлигидан ўксинибди.

Хуллас, ҳар бир инсон ўз тушунчасидаги бахтга интилиб яшайди. Таҳририятимизга келаётган мактуб эгалари ҳам шу интилиш йўлидаги хатолар, англашилмовчилик, айрим оқибатсиз одамларнинг ноўрин озорлари, ўзаро низолар ҳақида куйиниб ёзишади. Баъзилар суд ҳукми енгил бўлди, деб зорланишади. Ҳар ким қилмишига яраша жазосини олиши керак! Бу фикрга биз ҳам қўшиламиз. Аммо инсонни озодликдан маҳрум қилишдан мақсад - уни тарбиялаш, аниқроғи, тарбиявий таъсир чораларини кўришдир.

Бир оилани билардим. Яхшигина яшашарди. Беш нафар фарзандлари бўлиб, барчаси мўмин-қобил болалар эди. Оила бошлиғи яхшигина лавозимда ишларди. Унга бир кишининг қандайдир иши тушган. Шу ишни ҳал қилиб берасиз дея қўярда-қўймай, пул ҳам тутқазган. Лавозимдаги одам кўп ҳаракат қилиб кўрсада, мушкулни осон қилиб беролмаган. Шунда ҳалиги киши порахўрликда айблади.

Ҳалиги одам ишдан кетди, қамалди. Шундан сўнг унинг оиласидаги аҳвол ёмон томонга ўзгара бошлади. Дастлаб бошига тушган кўргуликдан гангиб қолган хотини ўзгара бошлади. Бора-бора унинг таъсирида фарзандлар тарбияси ҳам бузилди. Хуллас, гулдай очилиб, кўпларнинг кўзини яйратиб юрган оила пароканда бўлди, бахтсизлик ботқоғидан ўзини қутқариб қололмади.

Таҳририятимизга олис вилоятларнинг биридан (айрим сабабларга кўра аниқ манзил ва исм-шарифларни кўрсатмадик) келган мактубни ўқир эканман, «Ўлчаб кесганнинг пушаймони йўқ» деган халқ мақоли ёдимга тушди.

Ойдай қиз гулдай ёшида оламдан кўз юмибди. Бунга ким айбдор? Отаонами? Шифокорларми ёки бир-бирига тизгинсиз интилган йигит ва қизнинг шошқалоқ туйғуларими? Ёки кўра-била туриб, «қаро сочи ўсиб қошига тушган, не савдолар бошига тушган» синглисини шафқатсизларча ўлим нуқтасига етаклаган жонажон опасими? Саволларнинг жавоби уларнинг ҳар бирининг виждонига ҳавола.

...Йигит ва қизни унаштириб қўйишди. Тўй эса ҳадеганда бўлавермади. Йигитнинг отаси эндиликда «тўйни ўтказишга қўлим калталик қилди» дея ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Унаштирилган қиз билан йигит кўришиб туришди. Ойлар ўтган сари уларнинг меҳри кучайиб борди... Оқибат эса кўнгилсизлик рўй берди.

Ҳа, инсон бу дунёда ўз орзулари оғушида бахт ахтариб яшайди. Аслида олам шундай яралган, тирик жон бу дунёда ўз жуфтини ахтаради. Шу ўринда шоир Евгений Евтушенконинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Аёлдаги эркакни асраш туйғуси шу қадар кучлики, улар эркакдан кўра жасоратлироқдирлар». Агар шундай бўлмаганида, балки ёшгина қиз дастлаб йигитнинг қилмишини яқинларига айтиб фош қилган бўлармиди? Яна ким билади дейсиз. Ҳар қалай буюк Алишер Навоий бобомиз:

*Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадир,*
*Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадир.*

дея таъриф этган гўзал ёшда армону афсус билан оламдан ўтиб кетган қиз қисмати кўпларни қайғуга солди, ўйлантирди. Қизнинг опаси «Синглимнинг ўлимига уни жарроҳлик столига ётқизган шифокорлар айбдор», дея уларга қаттиқ жазо талаб қилиб, шикоят ёзмаган даргоҳи қолмади. «Қолаверса, - дейди у, - йигит ҳам жазо олмай, тараллабедод қилиб юрганлиги менга алам қилади...»

Хуллас, бу иш юзасидан воқеа содир бўлган туман суди ўз ҳукмини чиқарган. Унда кўрсатилишича, ҳақиқатан ҳам қиз ҳомиладор бўлиб қолган ва уни 18 ҳафталик даврида олдириб ташлаш ташвишига тушган (опасининг ёзишича, бу врачларнинг сафсатаси эмиш, ҳомила ҳужжатларда қайд этилганидан анча катта бўлган). Шундай қилиб, қиз билан йигит врачларга 25 минг сўм миқдорида пул беришади.

Акушер-гинеколог ва ҳамшира доя ҳамкорликда тиббий жиҳатдан тушириш мумкин эмаслиги ва ўзларига бундай ҳуқуқ берилмаганлигига қарамай, шу ишни бажаришга жаҳд қиладилар, сунъий равишда амалга оширадилар. Натижада қизнинг аҳволи оғирлашади, кўп қон йўқотиш туфайли ҳолсизланади ва вафот этади.

Шу тун бойўғли ҳам кетган пинакка

*Қизнинг сочи тўлғонар толим...*
*Қотил ким? Тонг кўксида видо,*
*Ҳеч ким, ҳеч ким билмади ҳолин...*

...Шифокор ўз қилган ишидан пушаймон. «Мен унга раҳмим келганидан ёрдам бермоқчи бўлдим, холос, - дейди у, - қиз роса ялинди. Йигитни севардим, деди. Бўлмаса тўй қилинглар-да, яшайверинглар десам, уйдагиларим билиб қолишса ёмон бўлади, жон ака йўқ деманг, ёрдам беринг, деб ялинаверди. Мен ундан ҳеч қандай манфаат кўрганим йўқ, қолаверса, қизга қўшилиб, ҳамшира доя ҳам илтимос қилиб, ҳоли-жонимга қўймади. Қизни шармандали ҳолидан қутқаришимиз керак, деди. Охири кўндим, ҳомилани олиб ташлаганимда қизнинг аҳволи ёмон эмасди,кейинчалик оғирлашди, қўлимдан келган барча чора-тадбирларни кўрдим. Афсуски... Барча айбларим, хатоларимни тан оламан».

Қизнинг опаси ўзини босолмайди. Бевақт хазон бўлган синглисининг мунгли нигоҳлари, ёшлик, болалик онларидаги қилиқлари, юришу кулишлари кўз ўнгида намоён бўлавериб, тинчлик бермайди. У синглисининг бу қадар сирли, тасодифий ўлимига чидай олмай йиғлайди... Лекин начора... Бўлар иш бўлиб ўтган, ўтганни ортга қайтаришга эса ҳеч ким қодир эмас.

Аммо суд ҳужжатлари билан танишар эканмиз, ҳомилани олиб ташлаш ҳонасини тозалаган аёлнинг қуйидаги кўрсатмалари диққатимизни тортди: «Мен қизга иссиқ сув ичирдим, шунда у «Вой, тонг отиб қолибди-ку, энди бу ҳолимни уйдагилар билиб қолишади, дея оҳ тортди. Бу ҳолимга опам сабабчи бўлди, у менинг бошимга етди» деди-да, ойнага қараб ётди. Бироздан сўнг унинг аҳволи янада оғирлашиб, вафот этди».

Йигит ўз кўрсатмаларида қизнинг ҳомиласини олдириб ташлашига мутлақо қарши бўлганлигини, лекин қиз опасининг сўзидан чиқмай шундай қилишга аҳд қилгач, ноиложликдан рози бўлганлигини айтади.

Сўзни мухтасар айтадиган бўлсак, ота-оналар ўз фарзандларининг тақдирига лоқайд қарагач, шифокорлар касб қасамларини бузгач, йигит қаршисида турган ҳаёт муаммосини мардларча ҳал қилишга қодир бўлмагач, опа ўз синглисини оғир йўлга етаклагач, фожиа содир бўлди. Энди улар бир-бирларига мушт ўқталиб, «сен айбдорсан, йўқ, сен айбдорсан» дея ҳар қанча талашишмасин, кечагина ўз туғилиб ўсган қишлоғининг кўчаларига кўрк бағишлаб юрган қиз бугун ҳаётда йўқ. Аччиқ ҳақиқат шу. Суд эса ноқонуний тарзда ҳомилани олиб ташлаб, қизнинг ўлимига сабабчи бўлган шифокорлар устидан ўз ҳукмини ўқиди.

Инсон ҳаёти, умр йўллари... Бу йўлларда қувончли, армонли дамлар бўлади. Шундай дақиқалар ҳам бўладики, сен ё соддалигинг, ё ўйламай иш юритишинг оқибатида аччиқ хатоларга йўл қўясан. Хатони ўзинг «сотиб» олганингни кейинроқ тушунасан ва унда кеч бўлганини пайқаб, бу йўлларни қайтадан босиб ўтмоқчи бўласан. Бироқ вақт ўтган, ортга қайтарга йўл йўқ. Шунда сен алданиб қолган дамларингни лаънатлайсан, аммо умидли дунёда, яна олдинга қараб интиласан. Эндиги интилишларинг, қадамларинг ғоят ўлчовли, эҳтиётли... Чунки сен ҳаётнинг синовли бекатларидан бирида қоқилдинг, сабоқ олдинг... Ҳали олдинда бекатлар кўп. Улардан матонат билан ўтиб бормоқ сенинг ироданга боғлиқ.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**«Инсон ва қонун»**
**мухбири**



Сой бўйида турган қиз,
Сочини майда урган қиз.
Нечун қиё боқмайсан,
Хаёлимни олган қиз...

*Маслаҳат*

## «КЎЧА ХАНДОН, УЙ ЗИНДОН БЎЛМАНГ!»



Машина моторига мой қанчалик зарур бўлса, қонуний никоҳдаги эр-хотин учун хушмуомалалик шу қадар зарурдир.

Агар ёш хотинлар ўз умр йўлдошлари билан худди бегоналарга қилганларидек хушмуомалада бўлсалар, қўйди-чиқди ҳақида гап бўлиши у ёқда турсин, умрлари гўзал, ҳузур-ҳаловатда ўтарди. Зеро, ҳар қандай эркак ҳам мижғов, жанжалкаш хотиндан нари юришга ҳаракат қилади.

Кўполлик, қўрслик худди хавфли ўсма (рак) каби умрни кемиради. Қизиғи шундаки, буни ҳаммамиз биламизу бироқ фақат бегоналарга нисбатан хушмуомалада бўлиб, ўз яқинларимизга қўрслик қиламиз.

Генре Клей Ризнер шундай ёзади: «Хушмуомалалик шундай фазилатки, унга эга бўлган киши эскириб, хунуги чиқиб кетган бузуқ эшикка эмас, балки у оша ҳовлига назар ташлаб, чаман бўлиб очилган турфа гуллар ҳуснидан завқланади».

Ўзбекларда уйга кириш олдидан оёқ кийимларини ечиб, остонада қолдириш қатъий одат қилинган. Шу ибратли одатларимизга амал қилиб, ишдан ва умуман, кўчадан кирганимиз ҳамон ҳамма ташвишу диққатбозликларни ташқарида қолдириб, уйга кирсак ёмон бўлмасди.

Хизмат соҳалари ходимларининг аксарият кўпчилиги ўз мижозлари ва иш юзасидан шерикларига нисбатан ҳеч қачон қўпол муомалада бўлмайдилар. Бироқ уйда бўлган чоғларида ўз хотинларига маданиятсизларча бақириш ва ҳатто қўл кўтаришдан тоймайдилар. Ҳолбуки, оилавий бахт аввало, эр-хотин ўртасидаги тотувликдир.

Бахтли оила қуришга муваффақ бўлган оддий киши сўққабош умр кечираётган ҳар қандай даҳодан-да бахтлироқдир. Америкада «қўйди-чиқди» масаласида танилган билимдон Дороти Дикснинг фикрича, «Никоҳга нисбатан олганда, туғилиш ҳам, ўлиш ҳам оддий бир ҳодисадир».

Хотинни мўмдай эритадиган нарса эрнинг суйиб-эркалашидир. «Сен ҳам гўзал ва сарвқомат, ҳам қўли ширин пазанда, ҳам рўзғорбоп аёлсан», дейишнинг ўзи кифоя. Хотин тийинлаб тежаб, эри топган бирни ўн қилади. Ва аксинча, хотинга қўпол муомалада бўладиган эркак ҳеч қачон тотувликка эришолмайди. Ўзининг қадрсизлигини сезиб турган аёл рўзғорга қараш, оила бюджетини тежаш ўрнига эридан ўч олиш мақсадида жанжалга баҳона излаш билан оввора бўлади. Ваҳоланки, бир кун жанжал бўлган хонадондан қирқ кун барака учиши эса ҳаммага маълум.

Демак, оилангиздаги тотувлик, барака сизларнинг ўзаро муомалангизга боғлиқ экан. Қарс икки қўлдан чиқишини эсда тутинг, азиз эркаклар ва аёллар!

**Арофат ОРТИҚОВА**
**тайёрлади**

*Изтироб*

## УЙГА СИҒДИРИШМАЯПТИ

Ҳурматли таҳририят!

1989 йилда турмуш қурганим - Абраев Алимардон (Нуриддин) деган шахс 3 та фарзандимга оталик қилиш ўрнига бу номга иснод келтириб, суд ҳукми билан ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Эримнинг қариндошлари уйга сиғдиришмади. 3 болам билан кўчада қолиб, бир қизим касал бўлиб вафот этди.

Мен бу ҳақда ёрдам сўраб кўплаб идораларга мурожаат қилдим. Аммо натижа бўлмади. Негадир барча жойда жиноятчи эримнинг ҳукми ижроси ҳақида ҳужжат сўрашади, гўё шу ҳал қилар эмиш. Мен уни қаёқдан олай, ахир!

Менинг таъминотга, болаларимга нафақа олишга, боқувчиси йўқ сифатида пенсия олишга ҳаққим борми, йўқми?

**Саодат ПАРДАЕВА,**
**Сурхандарё вилоятти,**
**Денов тумани.**

*ТАҲРИРИЯТДАН:*

*Тақдирингизда оғир ташвиш ортилгани бор экан-да. Аммо бардош билан енгишга, сабр-қаноатли бўлишга ҳаракат қилинг. Зеро, барча оғирликлар ўткинчи. Шу билан бирга, уй-жой масаласида судга мурожаат қилинг. Таъминотингиз хусусида эса маҳаллага, ўзини-ўзи бошқариш идорасига учрашинг. Қонунга кўра суд ҳукмининг ижроси бу масалалар ечими учун рўкач қилиниши мумкин эмас. Қолаверса, ижро ҳақидаги ҳужжатни уни талаб қилаётган идора тегишли жойдан сўраб олиши осон-ку!*

# Сайилгоҳ гурунглари



Экранда сухандон қиз пайдо бўлиб, самимий табассум ила гап бошлайди:

- Ассалому алайкум, азиз телемуштарийлар! Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейдилар. Ёдингизда бўлса, ойнаи жаҳонимиз ижодий жамоаси ўтган 1999 йилнинг биринчи кунини ҳам «теша тегмаган» Янги бир Янгилик билан бошлаган эдилар. Яъни Сув хўжалиги бош таҳририяти билан ҳамкорликда Янги канал - «Сайилгоҳ» телеканали ташкил этган эдилар. Аммо «Сайилгоҳ» штатида турадиган айрим «мироб»ларимиз айни ёзнинг жазирамасида қилган масъулиятсизликлари оқибатида «буғланиб» кетишди. Ва Сиз азизлар билан бир йил кўришолмадик.

Яқинда эса биз Янги йил, аниқроғи, Балиқ йилининг бошланиши шарофати билан эски йилдаги гина-кудуратларни унутиб, Сув хўжалиги бош таҳририяти билан янги шартнома туздик. Хуллас, яна тиниқ сув ила оқа бошлаган каналимиз -

## «САЙИЛГОҲ» ТЕЛЕКАНАЛИ МУБОРАК БЎЛСИН!

(Канал ҳақидаги эълондан сўнг сувларнинг шилдирашига ҳамоҳанг куй янграйди. Ортидан бадиий кенгашдан ўтган, канал қирғоғида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга чорловчи қўшиқ кетади:

Шўх-шўх ўйнар эдим,
***Сен билан қирғоқда мен...)***

**Сухандон:**

- Азиз телемуштарийлар, энди «Сайилгоҳ» телеканали орқали бугун бериладиган кўрсатувларимиз тартиби билан танишинг. Бироздан сўнг Балиқ йили муносабати билан Янги каналимиз соҳилига балиқ тутгани келганлар бекор ўтирмаслиги учун телекроссвордни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Соат $11^{15}$ да кўпчилик томошабинларнинг талабларига биноан экранда биринчи марта «Давр» ахборот дастури. «Давр» тугаши билан тушлик қилмайдиганлар (тўғриси, қилолмайдиганлар) учун «Обед - шоу»ни қайтаришга ҳаракат қиламиз. Шундан сўнг севимли хонандаларимиз Ҳожиакбар Нурматов, Афзал Рафиқов, Дилбар Исмоилова ва бошқалар ижросида бир-бирини севса-да, спиртли ичимлик ичмайдиган ёшлар учун «Муҳаббат қаҳваси». Ҳозиргина махсус мухбиримиз Абдураим Абдуваҳобов янги кўрсатув тайёрлабдилар: бу шу оқшом эътиборингизга ҳавола қилинади - «Чимилдиқ»қа кирмаганлар учун...

Ёмғир ёғди чак-чак,
***Тайёр бўлди келинчак.***

Кўрсатувларимизни ҳар галгидек об-ҳаво маълумоти билан тугатамиз. Унда бугун қандай ҳаво бўлганлигини эртага аниқ айтиб берадиган синоптик - ҳамкасбимиз Маҳмуд Бўрон ***(фамилияга масъулият билан қаранг!)*** қатнашишлари мумкин.

Хуллас, кўрсатувларимиз тартиби ана шулардан иборат. Тинглаб, томоша қилинг.

## ЧЕКИШДАН БОРМИ?

Бир йигит йўлдан ўтиб кетаётган одамни тўхтатибди:

- Ока, чекишдан борми?
- Ҳа, бор нимайди?
- Бермайсизми?
- Кечирасан, укажон, ёнимда бир қутигина, ўзимга яраша олиб юрибман. Яхшиси, ана дўконда қалашиб ётибди, дўкондордан сўрайқол!

ЛАТИФАЛАР

## «САССИҚ МОЛ»ЛАР

**Тайёрга - айёр яшашга ўрганиб қолган бир нечта улфат тайинли ишнинг бошини тутолмай юришганда, бири таклиф киритибди:**

**- Эй, биродарлар, мол сотиб олиб боқмаймизми? Семиртириб сотсак, фойда кўрармидик!**

**Бошқа бирови эътироз билдирибди:**

**- Қўйсанг-чи, қайси аҳволингга мол сотиб олиб, боқасан, ахир, совунга ҳам етказолмай ювинмасдан сасиб кетибсан-ку!**

**- Қўявер, ахир моллар кўпам ҳид билмайди, қолаверса, ҳидга тезда ўрганиб кетишади, - дермиш «ташаббускор».**

*ЛИЦЕНЗИЯ БЕКОР ҚИЛИНДИ*

Фарғона вилояти адлия бошқармаси Малака ҳайъатининг 2000 йил 4 январ қарори билан Фарғона шаҳрилик хусусий нотариус ИСМОИЛОВ Усмонали Султоналиевич номига берилган FE - 000032 сонли лицензия бекор қилинди.



# «ОДАМ ТЕАТР»ГА БОРМАГАН БОЛА

## Ёки Ҳожиакбар НУРМАТОВнинг «ДОМ»даги муҳаббати

***Хизмат юзасидан машҳур кишилар билан кўп учрашганман. Уларнинг айримлари суҳбат давомида ичидагини тўкиб солади, айримлари эса саволимизга наридан-бери жавоб бериб, гапни қисқа қилади-қўяди. Ҳар бирининг ўз дунёси, дарди-ю, армонлари бор. Беҳаловат давр ташвиш ва юмушлари билан бўлиб, ахборот воситаларидан тўхтамай оқиб келаётган янгиликларни ҳазм қилар-қилмай, биз - журналистлар ишга шўнғиймиз. Навбатдаги қаҳрамонларимизни излаб кетамиз. Шунда бозор муносабатлари, замон шиддати айрим машҳурларимизни ҳам қийнаб қўйганини эслаб, саволни нимадан бошлашни билмай қоласан.***

***Муҳарриримиз Ҳожиакбар НУРМАТОВ билан суҳбатлашиб, газетанинг Янги йил сонига бирор яхшироқ мақола ёзиш ҳақида топшириқ бергандилар. Лекин журналистика шундай касбки, шифокор ҳақида ёзиш учун шифокор бўлиш, ўқитувчи тўғрисида қоғоз қоралаш учун эса мактаб ҳаётидан бохабарлик зарур. Санъат соҳасида қалам тебратишдан олдин улар фаолиятини мукаммал ўрганиш фақат ишимиз муваффақиятига гаров бўлади, холос.***

***Негадир Ҳожиакбар НУРМАТОВнинг салобати босдими, икки ҳафтача у билан учрашишга жазм қилолмай юрдим. Ёзилажак суҳбатимизни каллада яхшироқ «пишитиб» олиш учун юрганда ҳам, турганда ҳам у киши билан хаёлан суҳбатлашаман.***

* * *

***- Ҳожиакбар амаки, Сиз ҳам ёшлигингизда қизларни яхши кўрармидингиз?***

***- Эй, болам, сенга ростини айтайми...***





***...У даврлардаги ишқ-муҳаббат бошқача бўларди... Бир куни...***

**- Машҳур актёрлардан марҳум Андрей Миронов ўзи яратмоқчи бўлган образини маромида ижро этиш учун ўша қаҳрамонининг ҳаётида обдон яшар экан. Кўча-кўйида, дўстлар даврасида, оила аъзолари билан бирга бўлганда ҳам ўзини ўша қаҳрамонидек тутар, ҳатто тўлиқ «эффект» учун уй жиҳозларини ҳам қаҳрамонининг уйидагидек ўзгартирар экан...**

- Қани энди шундай шароит бўлса... Ўша образда юриб, ўша образда яшаб, кейин саҳнага чиқсак... Энди Миронов битта образни маромида ижро этиш учун қанча вақт керак бўлса ҳам бошқа ишларни четга суриб, фақат шу билан банд бўлгандир. Биз эса бир кунда бешўнта томонга бўлиниб кетишимизга тўғри келади. Кейин кийим, жиҳозлар деяпсиз, биз кийимни премьерага бир-икки кун қолганда оламиз. Беш-ўн мартаба ўша кийимда чиқсаккина унга кўникиш ҳосил қиламиз. Тўғри, баъзи ҳолларда биз ҳам шундай қилишга уринамиз. Бундай пайтларда артистларнинг ўзлари ҳам ўша ҳамкасбларига қараб «кейинги образга тайёргарлик кўряпсанми, мўйлов қўйибсан, юриш-туришинг бошқача, хаёл суряпсан» деганга ўхшаш гапларни айтишади. Шуниси ҳам борки, ҳар бир актёр ўз услубига эга. Мингта актёр бу - минг хил услуб дегани.

Агар Миронов сиз айтган услубда ишлаган экан, бу шубҳасиз энг яхши услуб. Чунки рол ўйнаётганда қийналмайди.

**- Халқимизда «Таомнинг, сувнинг, гапнинг ками ширин», деган ҳикмат бор. Ҳозирги кунда телеэкранларда намойиш этилаётган узундан-узоқ телесериаллар инсоннинг асабига тегади, дейишади.**

- Бу, масалан, сиз ёки бошқа сизга ўхшаш умуман кундалик ишлари билан банд одамларнинг асабига тегиши мумкин. Лекин аслида ўша сериалларнинг ҳам ўз томошабинлари бўлади. Бу сериаллар уй бекаларига, нафақахўрларга, умуман, бўш вақти бор одамларга мўлжалланган. Сериаллар телевидение пайдо бўлганидан бери бор.

Умуман, Европада, Америкада видеофилмларни кўриш ҳозир урфдан чиқиб бормоқда. Ҳозир экран орқали кўриш, кинотеатрларга бориш кўпроқ урф бўлмоқда.

**- Кўпчиликнинг фикрича, видеофилмлар жангари сюжетлари, қолаверса, ўзбекнинг маънавияти ва маданиятига тўғри келмайдиган томонлари билан яшаш тарзимизга салбий таъсир кўрсатяпти...**

- Бу хусусда менинг шахсий фикрим бор... Салбий таъсир кўрсатяпти, деб мутлақо кўрмаслик ҳам хато. Инсон аслида яхши тарбияланган бўлса, унинг маънавияти бузилмайди. Мана, масалан, 70 йил давомида шўро тузуми нафақат кино ва театр, ҳаттоки мултфилмлар орқали ҳам тарғиб қилинди. Лекин тузум ўзини ушлаб туролмади-ку. Демак, одамлар маънавиятига бутунлай таъсир қилолмаган. Кино, театрдан инсон «томоша» завқини олиши керак. «Фалон филмда ўпишишди, демак, биз ҳам ўпишишимиз керак эканда», деган фикрга бормаслиги керак. Онгли равишда хулоса чиқариш лозим.

Дунёда қўйилаётган филмларни, дунё адабиёти, спорти, дунё тараққиётини билмасдан туриб, ҳеч қайси соҳада жаҳон хазинасига муносиб улуш қўшиш мумкин эмас. Менинг шахсий фикрим: санъат асаридан тўғри хулоса чиқара билиш лозим.

* * *

***Юқоридагилар суҳбатдошим билан хаёлий мулоқот эди, холос.***

***Лекин одамнинг ўйлагани ҳамиша рўёбга чиқаверса, ҳаётнинг қизиғи қолмаганидек, Ҳожиакбар Нурматов билан мулоқотимиз умуман мен кутгандан ҳам бошқача бўлди. У киши учрашувга айтилган вақтда етиб келдилар.***

***Юз-кўзларидан самимийлик, болаларча беғуборлик нур таратиб турган бу инсон билан учрашиш менга катта қувонч бахш этди. Шунинг учун бўлса керак, у киши билан бирга-бирга орқага «лирик чекиниш» қилишга, бир неча дақиқага ҳаёт ташвишларидан халос бўлиб, қувноқ болалик даврларига қайтишга қарор қилдик.***



***- Менга қара, адаш, ҳозирги гапларни ҳеч ким эшитмасин-а? Келишдикми?***

***- Келишдик, амаки! Ўғил бола битта гапиради!***

- Асли тошкентликман, - дея гап бошлади Ҳожиакбар Нурматов. - Кўпчилик яхши биладиган «Рисовий» бозори яқинидаги Қорасув маҳалласида, Фарғона йўли кўчасида истиқомат қиламан. Мени кўпчилик санъаткор оиласидан деб ўйлашади. Йўқ, раҳматли отам Акмал Нурматов қассобчилик қилганлар. Онажоним Мунира Нурматованинг касби эса оддий педагог. Муниса исмли битта опам бор...

**- Ҳожиакбар исми ҳар кимга ҳам қўйилавермайди...**

- Тўғри топдингиз. Бобомнинг исмлари Алматхожи бўлган. Муборак Ҳаж сафарларига борган иймон-эътиқодли инсон бўлган эканлар. Ул зот мен туғилганимда оламдан ўтган эканлар. Шундан сўнг отам менга Акбар дея қўймоқчи бўлган исмларини Ҳожиакбар деб ўзгартирган эканлар. Ҳожи отамизнинг руҳлари шод бўлсин, у кишининг руҳлари ўғлимни доимо қўлласин, деб шундай қилган эканлар. Афсуски, мен тўрт ёшга тўлганимда отамнинг ўзлари ҳам мия шамоллаши хасталигидан оламдан ўтганлар.

Онажоним ёлғизликда кўп қийналганлар. Бизга буни билдирмасликка, отаси борлар олдида ўкситмасликка интилардилар доим. Шунинг учун Муниса опам билан фақат аъло ўқишга ҳаракат қилардик. Гоҳо маъюс бўлиб қолган лаҳзаларида уларни хурсанд қилишга, келажакда катта одам бўлсак, онажонимизни энг зўр машиналарга солиб, сайр қилдиришга ваъда берардик. «Ойижоним, сизни фақат табака билан боқаман» деб уларни кулдирардим.

**- Онангизни жуда яхши кўрар экансиз-да?**

- Бўлмасам-чи! Отам раҳматли ойижонимни «Чолиқушим менинг - Феридехоним» деб эркалар эканлар. Ҳақиқатан ҳам ойимлар талабалик даврларида дадамларни ана шундай хислатлари билан ром қилган бўлсалар ажаб эмас.

Ҳожиакбар Нурматов ёнидан бир кассета олдида, диктафонимга қўйди. Сўнг «шуни бир эшитайлик» деди. Хонада қўшиқ янгради:

***Жамалак, жамалак сочли қиз,***
***Камалак, камалак қошли қиз.***
***О, ўтганда ўйнайди юрак...***
***Дук, дук, дук.***
***Тикилиб-тикилиб тўймас кўз,***
***Тўкилиб-тўкилиб дилдан сўз.***
***Бошим узра айланур фалак,***
***Ўзи кичкина, ўзи синчалак.***
***Синч, синч,синчалак...***

- Илҳомжон Фармоновнинг шу қўшиғини эшитсам, худди отажоним ўлмагану ёнимизда юргандек, кичик жуссаси, чаққон ва ёқимлилиги билан Синчалак қушига ўхшайдиган ойижонимга дил розини айтаётгандек бўлаверади...

**- Санъатга, театрга болалигингиздан қизиққанмисиз?**

- Болалигимда ойимлар бир марта қўғирчоқ театрига олиб борганлари эсимда. Ўшанда қўғирчоқ театри менга ёқмаганди. Уйга келиб, роса тўполон қилгандим: «Нега «Одам театр»га олиб бормагансиз?» деб. Лекин санъаткор бўлишни эмас, кўпроқ шифокор бўлишни орзу қилардим. Жуда шўх бўлганман-да. Табакани яхши кўрганимдек, тухумга ҳам иштаҳам карнай эди. Бир куни қизиқ воқеа бўлди. Товуқ қақиллаб қолди. Биламан, тухум... кутяпти. Оҳ, дедим, нонуштага насибам тайёр! Лекин денг, «тревога»си оламни бузади-ю, ҳа деганда тухумдан дарак йўқ. Қорин эса таталайди. Бор-е, дедим-да, (ўшанда 4 яшар боламан) шартта катакка кириб... тухумни суғуриб олган эканман. Буни дадамлар кузатиб турган эканлар, оҳиста сўрадилар:

- Ўғлим, сиз қанақа одам бўласиз, энди?

У киши танбеҳ бераётган эканлар, тушунмабман-да, шошиб қолиб:

- Дўхтир бўламан дада, Худо хоҳласа, хирург бўламан, - дедим.

- Ҳм, шунақа денг. Сиздан қандай хирург чиқишини билмадиму аммо яхшигина гинеколог чиқади.

**- Ойижонингизнинг айтишича, синфдош қизларингиздан бирига кўнгил қўйган экансиз, тўғрими?**

Суҳбатдошим бироз уялиб сўнг жилмайди:

- «Дом»имизда бир қиз яшарди. Жудаям чиройли. Бола эканман-да, 8 март байрами арафасида уни қоғозгул билан табриклагим келди. Қандай беришни билмайман. Охири укасини кўндириб, ниятимга етганман.

* * *

***Қаҳрамонимиз — ҳозир пойтахтдаги 154-мактабнинг 3-синфида ўқиётган Ҳожиакбар Нурматов билан суҳбатимизни тугатар эканмиз, уни таҳририятимизга етаклаб келган онаси Мунираxон Нурматова дил сўзларини шундай изҳор этди:***

- Раҳмат Сизларга! Сизлар туфайли ўғлим роса хурсанд бўлди. Мана кеча болажоним қалбидаги энг катта орзуси ушалди. Адашлари - таниқли санъаткор Ҳожиакбар Нурматов билан илк бор кўришди. У киши билан учрашишни кўпдан ният қилардигу, ҳеч имкон тополмасдик. Илоҳим, менинг Ҳожиакбаримни ҳам ота-боболарининг руҳи қўллаб, Сизлар каби яхшиларнинг ташвишида елиб-югурадиган инсон бўлиб камол топсин. Эл хизматига бел боғлаган адашлари - Ҳожиакбар ака Нурматов каби санъат осмонининг ёркин юлдузи бўлиб юрсин. Юрагимдаги биттаю, битта армоним шу.

Шу қувончли онда биз ҳам Яратгандан сўрадик - илоҳо, шу онанинг ҳам тилак-дуолари ижобат бўлсин.

**"Сайилгоҳ" телеканалида намоиш этилган кўрсатувлар муаллифи Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ**

**Суратларда: ёш Ҳожиакбар НУРМАТОВ адаши - таниқли санъаткор Ҳожиакбар НУРМАТОВ билан. Тасвирчи Шавкат АКРОМОВ**

## "САЙИЛГОҲ" КРОССВОРДИ

***Ўхшаш сўзлар, ҳамоҳанг атамалар тўрттадан тугал бўлиб, ўн бир «стол»га ўтириб олишган. Уларни топинг.***




**ЭНИГА:** 1.Қардош халқ достони. 2. Помидорнинг «суяги». 3. Гавда, тана, жусса. 4. Табибга муҳтожлик ҳолат. 5. Эҳтиёж, қаттиқ қўйиладиган сўров. 6. Оёғ билан қилинадиган ҳаракат. 7. Бировни кўролмаслик, қалб фалажи. 8. Бир нарсага етишиш йўлидаги орзу. 9. Юкчи автомобил русуми. 10. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобил русуми. 11. Гулзор, пайкал. 12. От хили. 13. Аёлларни эркалатиб аташ, аёл исми, маъбуда. 14. Судья, қози. 15. Сон, саноқ, ҳисоб-китоб «тили». 16. Ёзув қуроли. 17. Илон, чаён ва қотилнинг қуроли. 18. Долларнинг лақабларидан бири, полиз экини. 19. Бўйсуниш, тобелик. 20. Иккинчи исм. 21. Тошкентдаги маҳаллалардан бири. 22. Қишлоқнинг «акаси».

**БЎЙИГА:** 23. Ҳавонинг организмга кириб-чиқиши. 24. Парранда-даррандаларнинг қамоқхонаси. 25. Тахмин, тасаввур. 26. Бинонинг олд кўриниши. 27. Ўзбекистондаги шаҳарлардан бирининг тарихий номи. 28. Ҳусаннинг акаси. 29. Шон-шуҳрат, олқишга эришиш. 30. Белбоғ, қайиш, айрим болалар ёмон кўрадиган буюм. 31. Оммавий кўтариладиган идиш. 32. Суюқ эмас, ичилади. 33. Тўқима буюм, идиш. 34. Қозониладиган ютуқ. 35. Бировнинг устидан кулиш, масхаралаш. 36. Марҳумнинг бисоти. 37. Ойнинг арабча номи. 38. Ога. 39. Ҳарбий намойиш. 40. Тезлик, ҳаракатчан одим ташлаш. 41. Она каби муқаддас. 42. Қўйининг русча айтилиши. 43. Ширин, тотли «қум». 44. Қуршовга олиш, таслим қилиш усули.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

## САБОАТХОН МАДАМИНОВА

Бевақт ўлим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Сабоатхон Мадаминовани орамиздан олиб кетди.

У 1938 йилда Наманган вилоятининг Ҳаққулобод шаҳрида туғилган, ўрта мактабни тугатгач, меҳнат фаолиятини Норин туманидаги ФҲДЁ бўлимида иш юритувчиликдан бошлаган эди. Қобилияти ва фидойи меҳнатига эътиборан 1959 йилда бўлим мудираси лавозимига тайинланди ва 20 йил мобайнида узлуксиз, шу вазифани сидқидилдан бажариб келди. Орада сиртдан ўқиб, 1975 йилда олий маълумотли ҳуқуқшунос маълумотини олди.

1989-97 йилларда Ҳаққулобод шаҳар ФҲДЁ бўлимига мудиралик қилди, 1994 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига сазовор бўлди. 1997 йилдан буён фахрий пенсияда эди.

Марҳума ўз ҳаёти, фаолияти мобайнида минглаб оилалар барпо бўлишида бош-қош бўлди. Кўплаб шогирдлар етиштирди, ажойиб фарзандларни тарбиялади, эл-халқ орасида обрў орттирди.

С.Мадаминованинг вафоти нафақат оила аъзоларини, қариндош-дўстларини, балки у кишини таниган, билган, бирга ишлаган юристларни - адлия соҳаси ходимларини ҳам қайғуга солди. Шу муносабат билан ҳамдардлик ва ўз таъзиямизни билдирамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-047. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: О.Худойбердиев
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

